

## VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 15420 тани ташкил қилиб, шундан 14668 таси ёки ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3666 та (23,8 фоизи), саноат 2467 та (16,0 фоизи), қурилиш 1566 та (10,2 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1192 та (7,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Жорий йилнинг бошига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 994 тага (7,3%) га ошган ҳамда уларнинг умумий сони 14668 тани ташкил этган.


Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Урганч шаҳрида (23,8%), Урганч (10,4), Хива (9,5%) туманларида кузатилмоқда.

### Туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари,), бирликда




**Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона  
ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари**  
(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

|  | Рўйхатга олинганлар |                        | Фаолият кўрсатаётганлар |                        |
|--|---------------------|------------------------|-------------------------|------------------------|
|  | бирлик              | яқунга нисбатан фоизда | бирлик                  | яқунга нисбатан фоизда |
| <b>Жами</b>                                    | <b>15420</b>        | <b>100,0</b>           | <b>14668</b>            | <b>100,0</b>           |
| <i>шу жумладан:</i>                            |                     |                        |                         |                        |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги                | 1192                | 7,7                    | 1130                    | 7,7                    |
| саноат   | 2467                | 16,0                   | 2365                    | 16,1                   |
| қурилиш  | 1566                | 10,2                   | 1477                    | 10,1                   |
| савдо  | 3666                | 23,8                   | 3502                    | 23,9                   |
| ташиш ва сақлаш                                | 596                 | 3,9                    | 571                     | 3,9                    |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар            | 904                 | 5,9                    | 850                     | 5,8                    |
| ахборот ва алоқа                               | 231                 | 1,5                    | 218                     | 1,5                    |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 335                 | 2,2                    | 328                     | 2,2                    |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш               | 4463                | 28,9                   | 4227                    | 28,8                   |



Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 95,2 % ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,8 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 1,0 % га ошган.

**Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, % да**




Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 23,9 % савдода, 16,1 % саноатда, 10,1 % қурилишда, 7,7 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 5,8 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 3,9 % ташиш ва сақлаш, 2,2 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,5 % ахборот ва алоқа ҳамда 28,8 % бошқа фаолият турлари хиссасига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,% да**




2018 йил январь-сентябрь ойларида 1775 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган. Бу эса 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 33,4 % га кўпдир. Энг кўп янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар Урганч шаҳрида (433 та), Урганч туманида (217 та) ва Хива шаҳрида (156 та) ташкил этилган. Энг кам Янгибозор (65 та), Гурлан (84 та) ва Боғот (94 та) туманларида ташкил этилган.

**Туманлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони,  
бирликда**




Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг кўп корхона ва ташкилотлар савдода (416 та), саноатда (339 та), қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалигида (178 та) ва қурилишда (176 та) ташкил этилган. Энг кам ахборот ва алоқада (21 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (38 та) ва ташиш ва сақлашда (60 та) ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият  
турлари кесимидаги сони, бирликда**



Мулкчилик шакллари таснифлагичи бўйича рўйхатга олинган корхоналарнинг 13,6 фоизи давлат мулки, 82,1 фоизи нодавлат мулки, 0,4 фоизи хорижий капитал иштирокидаги корхоналар мулки ва 3,9 фоизи бошқа мулкчилик шакллари.


**2018 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари**  
(умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



- Давлат мулки
- Нодавлат мулки
- Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича рўйхатга олинган корхоналарнинг 27,9 фоизи хусусий корхоналар, 7,8 фоизи оилавий корхоналар, 42,3 фоизи маъсуляти чекланган жамиятлар, 22,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича рўйхатга олинган  
корхоналар (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)**



- Хусусий корхона
- Оилавий корхона
- Маъсулияти чекланган жамиятлар
- Бошқа корхоналар

Ҳисобот даврида 637 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 184 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 28,8 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
2018 йил январь–сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)**


2018 йил январь-сентябрь ойларида вилоятда рўйхатга олинган янги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони 1510 та ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 388 та, Урганч туманида 191 та, Хива шаҳрида 129 та, Ҳонқа туманида 117 та, Қўшқўпир туманида 102 та, Хазорасп туманида 100 та, Хива туманида 100 та, Шовот туманида 98 та, Боғот туманида 81 та, Янгиариқ туманида 78 та, Гурлан туманида 78 та ва Янгибозор туманида 48 тани ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 27,3 фоизи), саноат тармоғида (22,5 фоиз), қурилишда (11,7 фоиз), кишлок, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (11,7 фоиз) ташкил этилган

### **Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.**

2018 йил 1 октябр ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитали иштирокидаги корхоналар сони 66 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 тага ёки 34,6 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 52 таси қўшма корхоналар, 14 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

### **Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда**



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Урганч шаҳар 19 та (28,8 %), Шовот 11 та (16,7 %) ва Хива шаҳар 6 та (9,1 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Ҳонқа 1 та (1,5 %), Янгибозор 1 та (1,5 %), Гурлан 2 та (3,0 %) ва Хива 4 та (6,1 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши  
(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

|                      | <i>бирлик</i> | <i>Жамига нисбатан<br/>% да</i> |
|----------------------|---------------|---------------------------------|
| <b>Вилоят бўйича</b> | <b>66</b>     | <b>100,0</b>                    |
| Урганч ш.            | 19            | 28,8                            |
| Хива ш.              | 6             | 9,1                             |
| <i>туманлар:</i>     |               |                                 |
| Боғот тумани         | 5             | 7,6                             |
| Гурлан тумани        | 2             | 3,0                             |
| Қўшқўпир тумани      | 5             | 7,6                             |
| Урганч тумани        | 5             | 7,6                             |
| Хазорасп тумани      | 3             | 4,5                             |
| Хонқа тумани         | 1             | 1,5                             |
| Хива тумани          | 4             | 6,1                             |
| Шовот тумани         | 11            | 16,7                            |
| Янгиариқ тумани      | 4             | 6,1                             |
| Янгибозор тумани     | 1             | 1,5                             |

Фаолият кўрсатаётган 66 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 42 таси (63,6 %) саноат, 10 таси (15,2 %) савдо, 3 таси (4,5 %) қурилишда, 3 таси (4,5 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 2 таси (3,0 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 2 таси (3,0 %) ташиш ва сақлашда, 1 таси (1,5 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 3 таси (4,5 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

|   | <i>бирлик</i> | <i>Жамига<br/>нисбатан % да</i> |
|---|---------------|---------------------------------|
| <b>Жами</b>                                       | <b>66</b>     | <b>100,0</b>                    |
| <i>шу жумладан:</i>                               |               |                                 |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги                   | 2             | 3,0                             |
| саноат  | 42            | 63,6                            |
| қурилиш   | 3             | 4,5                             |
| савдо   | 10            | 15,2                            |
| ташиш ва сақлаш                                   | 2             | 3,0                             |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар               | 3             | 4,5                             |
| ахборот ва алоқа                                  |               | 0,0                             |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий<br>хизматлар кўрсатиш | 1             | 1,5                             |
| бошқа турлари                                     | 3             | 4,5                             |

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 16 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 тага кўпайган ёки 1,7 баробарга ошган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 4 та, Хитой Халқ Республикаси – 2 та, Туркия Республикаси – 1 та, Қозоғистон Республикаси – 1 та, Қирғизистон Республикаси – 1 та, Польша Республикаси – 1 та, Бирлашган Араб Амирлиги – 1 та, Туркменистон – 1 та ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда янги корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2018 йилда Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма корхоналар фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши**

|                      | <i>бирлик</i> | <i>Жамига нисбатан<br/>% да</i> |
|----------------------|---------------|---------------------------------|
| <b>Вилоят бўйича</b> | <b>16</b>     | <b>100,0</b>                    |
| Урганч ш.            | 5             | 31,2                            |
| Хива ш.              |               |                                 |
| <i>туманлар:</i>     |               |                                 |
| Боғот тумани         |               |                                 |
| Гурлан тумани        | 2             | 12,5                            |
| Қўшқўпир тумани      | 2             | 12,5                            |
| Урганч тумани        | 1             | 6,2                             |
| Хазорасп тумани      | 1             | 6,2                             |
| Хонқа тумани         |               |                                 |
| Хива тумани          | 2             | 12,5                            |
| Шовот тумани         | 1             | 6,2                             |
| Янгиариқ тумани      | 2             | 12,5                            |
| Янгибозор тумани     |               |                                 |

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 7 та, савдода 2 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 1 та, қурилишда 1 та ва бошқа фаолият турларида 5 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмларини кенгайтиришда етарли даражада ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, айрим ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб қилишда беқарорлик сақланиб қолмоқда.

**Оилавий корхоналар.**

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2018 йил 1 октябрь ҳолатига 1198 тани ташкил этиб, улардан 1151 таси ёки 96,0 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 46,5 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

**Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда**

